

бўлиб, уларга қишлоқ туризми фаолиятини лицензиялаш тартиби, қишлоқ туризмида нархни шакллантириш ва солиққа тортиш кабилардан ташкил топади. Бунда тартибга солиш механизмининг мақсади мазкур вазиятда мақбул ечимни танлашдан иборат.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ туризмини ривожлантиришни давлат йўли билан тартибга солиш механизмининг самарали натижалар бериши учун мамлакатимиз қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш инфратузилмаси такомиллаштирилган бўлиши лозим, бунга бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, масалан, кредит карталари орқали тўловлар, интернет-савдо, янги қишлоқ савдо марказлари, қишлоқ овқатланиш корхоналари, қишлоқ ҳовли меҳмонхоналарнинг ташкил этилиши, таълим хизматларини кенгайти-

риш, дам олиш соҳасидаги танловнинг кенгайтиши каби омиллар таъсир кўрсатади.

Қишлоқ туризмини давлат йўли билан тартибга солиш ва уни ривожлантириш асосида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

– мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш натижасида туристик хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– қишлоқ аҳолисида тадбиркорлик фаолияти шаклланишига мотивация бериш;

– қишлоқ аҳолисининг кўшимча даромадлари ошишини таъминлаш;

– қишлоқ жойларда туристик хизматларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш кабилар.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг самарали натижавий кўрсаткичлари институционал механизмлар каби прагматик характерга эга чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амридинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма – С.: СамИСи, 2010. – 247 б.
2. Муане Ф. Сельский туризм. / Ф.Муане. – Париж: Агриколь, 2012. – 430 с.
3. Wanda George E. Rural Tourism Development: Localism and Cultural Change (Tourism and Cultural Change). / E.Wanda George, H.Mair, D.G.Reid. – Bristol, Buffalo, Toronto: Channel View Publications, 2009. – 288 p.
4. Чудновский А.Д. Управление потребительскими предпочтениями в сфере отечественного туризма и гостеприимства и основные направления реализации туристского продукта. Учебное пособие. / А.Д.Чудновский, М.А.Жукова. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 304 с.
5. Гварлиани Т.Е. Сельский и аграрный туризм как специфические виды туризма. / Т.Е.Гварлиани, А.Н.Бородин. // ТЕККАЕСОММТШ. 2011. 9 Т. № 4. С. 61-65.
6. Савенко В.Г., Демишкевич Г.М., Карпова И.М., Шилова Е. Сельский туризм. Монография. – М., 2016 г. С. 23-27.
7. Sidali L.S. Food, Agri-Culture and Tourism: Linking Local Gastronomy and Rural Tourism: Interdisciplinary Perspectives. / L.S.Sidali, A.Spiller, B.Schulze. – Heidelberg, Dordrecht, London, New York: Springer Science, 2011. – 197 p.
8. Казначеева С.Н., Челнокова Е.А., Коровина Е.А. Агротуризм как одно из перспективных направлений индустрии туризма. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2017. № 3-2. С. 248-252.
9. Ковалевская В.В. Агротуризм – новый вид туризма? / В.В.Ковалевская. Текст: непосредственный. // Проблемы современной экономики: материалы I Междунар. науч. конф. – Челябинск: Два комсомольца, 2011. С. 177.
10. <https://www.macrotrends.net/countries/UZB/uzbekistan/tourism-statistics>
11. www.Lex.uz
12. www.uzbektourism.uz ва “Tourism in Uzbekistan 2022” статистик тўплами маълумотлари.



doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a68

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ИМКОНИАТЛАР ВА МУАММОЛАР

Гулямова Гулнора Патахкамаловна - и.ф.н. Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган, унга таъсир этувчи омиллар ва имкониятлар кўрсатиб берилган. Турли муаллифлар томонидан диний туризм, зиёрат туризми, ислом туризми каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил этилган. Шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантиришда кластерларни шакллантириш бўйича муаммолар таҳлил этилган, туристик кластерлар моҳияти очиб берилган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ёритилган. Зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: зиёрат туризми кластери, диний туризм, зиёрат туризми, диний экскурсия туризми, туризм инфратузилмаси, туризмни ривожлантириш концепцияси, ҳалол стандарт.

РАЗВИТИЕ КЛАСТЕРОВ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ: ВОЗМОЖНОСТИ И ПРОБЛЕМЫ

Гулнора Гулямова Патахкамаловна -
к.э.н. Международная исламская
академия Узбекистана

Аннотация. В статье рассмотрены основные направления развития паломнического туризма в Узбекистане, проанализированы факторы и возможности, влияющие на его развитие. Рассмотрены подходы различных авторов таким понятиям, как религиозный туризм, паломнический туризм и исламский туризм. Также анализированы проблемы формирования кластеров в развитии паломнического туризма, раскрывается сущность туристских кластеров. Выделены задачи, которые необходимо решить в развитии паломнического туризма в Узбекистане. Разработаны предложения по организации и развитию кластеров паломнического туризма.

Ключевые слова: кластер паломнического туризма, религиозный туризм, паломнический туризм, религиозно-экскурсионный туризм, туристическая инфраструктура, концепция развития туризма, халяль стандарт.

DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM CLUSTER IN UZBEKISTAN: OPPORTUNITIES AND CHALLENGES

Gulyamova Gulnora Pataxkamalovna -
Ph.D., Associate Professor
International Islamic Academy of Uzbekistan

Annotation. The article considers the main directions of development of pilgrimage tourism in Uzbekistan, analyzes the factors and opportunities that affect its development. The approaches of various authors to such concepts as religious tourism, pilgrimage tourism and Islamic tourism are considered. The problems of cluster formation in the development of pilgrimage tourism are also analyzed, the essence of tourist clusters is revealed. The tasks that need to be solved in the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan are highlighted. Proposals for the organization and development of pilgrimage tourism clusters have been developed.

Key words: pilgrimage tourism cluster, religious tourism, pilgrim tourism, religious excursion tourism, tourist infrastructure, the concept of tourism development, halal standard.

Кириш. Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлиб, у бутун жаҳон хўжалиги ва алоҳида минтақа ҳамда мамлакатлар иқтисодиётига салмоқли таъсир кўрсатади. Баъзи мамлакатларда туризм соҳаси валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қилади. XXI аснинг бошида халқаро туризм жаҳон экспортидаги ҳиссаси бўйича автомобиль ва нефть экспортини орқада қолдириб, биринчи ўринга чиқиб олди. COVID-19 пандемиясидан аввалги даврда Жаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда туризм индустрияси ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 10,3 %, жаҳон экспортининг 7 %, хизматлар экспортининг 27,4 %, капитал қўйилмаларининг 9 %, истеъмол харажатларининг 11 %, солиқ тушумларининг 5 %дан зиёди тўғри келган, туризм сектори аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, пандемиягача бўлган даврда иқтисодиётда банд бўлган ҳар 11 кишининг биттаси шу соҳада фаолият кўрсатган [1].

Шуни таъкидлаш зарурки, халқаро туризм COVID-19 пандемиясидан энг катта зарар кўрган соҳалардан биридир. 2020 йилда туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 50,4 % ёки 4,8 трлн. Долларга қисқариб, 5,3 %ни ташкил этди, таққослаш учун жаҳон иқтисодиёти қисқариши 3,3 %га тенг бўлди. Бу даврда соҳада банд бўлганларнинг 18,2 фоизи ёки 62 млн. киши ишдан кетишга мажбур бўлди, WTTC маълумотларига

кўра, 2020 йилда туристларнинг мамлакат ичида саёҳат учун харажатлари 45 %га, хориж сафарларига сарфлаган харажатлари эса деярли 70 %га камайди. 2021-2022 йиллар халқаро туризмда тикланиш даври бўлди, 2021йилда туризм индустрияси маҳсулоти 2020 йилга нисбатан 21,7 %га ортиб, 5,8 трлн. долларни ташкил этди, бу жаҳон ялпи маҳсулотининг 6,1 %ини ташкил этди, таққослаш учун жаҳон ялпи маҳсулоти бу даврда 5,8 %га ўсганлигини таъкидлаш зарур [2]. Бундай ўсиш суръатлари падемия инқирозига қарамай, туризмнинг жаҳон иқтисодиёти ва экспортида муҳим ўрин эгаллаб келатганини ифодалайди. Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда халқаро туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаш, тўлов қобилятига эга бўлган талаб, инвестициялар, меҳнат ва бошқа ресурсларга эга бўлиш учун мамлакатлар, ҳудудлар, тармоқлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши доимо кучайиб боради.

Ўзбекистонда ҳам пандемиядан кейинги даврда туризмни тиклаш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади. Мамлакатимиз халқаро ва ички туризмни ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида туристик кластерларни шакллантириш

йўли билан соҳа рақобатбардошлигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб глобаллашув ва рақобатдош сайёҳлик бозори нархлар ва маҳсулотлар каби ўзаро таққосланадиган хусусиятларни доимий равишда яхшилашни, сифат ва самарадорликнинг барқарор тенденцияларини талаб қилди ва бозорга мувофиқ иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг янги шакллари пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бунинг натижасида кластерлар тадқиқот ва амалиёт учун маҳаллий ва минтақавий ривожланишнинг энг машҳур тушунчаларидан бирига айланди. Кластерга Майкл Портер томонидан корхоналар концентрациясининг географик жиҳатдан бирлашуви деб таъриф берилган [3].

С.Розенфильднинг фикрига кўра, кластерлар компанияларнинг бирлашиши бўлиб, улар географик яқинлик ва фаолиятдаги ўзаро боғлиқлик туфайли юқори самарадорликка эришади [4]. М.Портернинг саноат тармоқлари кластерлари бўйича олиб борган тадқиқотларидан кейин, кластер иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шунингдек, туризм соҳасида ҳам, хусусан, Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) томонидан ўтказиладиган тадқиқотларнинг ҳам асосий элементи сифатида қарала бошлади. 2010 йилда туризм ва рекреация бўйича бўлиб ўтган конференцияда туристик кластер “географик жиҳатдан қўшни бўлиб, туристлар оқимини шакллантирувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи, худуднинг рекреация салоҳиятидан фойдаланувчи ҳамда ижтимоий ташкилотлар ва давлат бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи компаниялар” сифатида талқин қилинди. Ф.А.Чотчаев фикрича, туристик кластерда туризмнинг турли компаниялари турагентликлар, туроператорлар, меҳмонхоналар кабилар бирлашади, пировард натижада улар кластер инфра-тузилмасини шакллантиради [5]. Н.А.Пелевина эса туристик кластерни йирик мустақил, тармоқлараро иқтисодий мажмуа сифатида туризм соҳасидаги турли хил корхона ва ташкилотларни нафақат вертикал жиҳатдан, балки горизонтал жиҳатдан ҳам қамраб олган, деб ҳисоблайди [6].

А.Ю.Александрованинг фикрича, бугунги кунда кластерлар иқтисодиётнинг туристик сектор рақобатбардошлигини ошириш ва мижозларни жалб қилишнинг энг самарали усуллари билан бири сифатида туризм саноатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У аҳоли саёҳат ва дам олиш соҳасида фаолият олиб боровчи фирма, ташкилот ва муассасалар тизимини иқтисодий худудлар доирасида ривожланиб бораётган туристик кластерлар мажмуи сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблайди [7].

Ж.Феррейра ва С.Эстевао минтақавий ривожланиш стратегияси сифатида муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган туристик кластерлар учун концептуал моделни таклиф қилдилар. Улар Портер ромби, Сруч ва Ритчининг рақобатбардошлик модели ҳамда Дюер Кимнинг рақобатбардошлик моделида таҳлил қилинган бир нечта элементлар ёрдамида моделни яратдилар. У учта асосий таркибий қисмдан иборат: туризм маҳсулоти, туристик дестинация ва сайёҳлик кластери. Уларнинг сўзларига кўра, агар дастлабки икки компонентнинг ўзаро боғлиқлиги самарали бўлса, туризм кластери самарали ишлайди [8].

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг алоҳида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Б.Д.Олланазаров: “...туристик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шаброит, инновацион ва ишбилармонлик рақобатчилик муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватловчи кластерлар билан, масалан, спорт ва туристик буюм-жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиб, доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар”, – деб ҳисоблайди [8].


Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзиш жараёнида илмий таҳлил учун тегишли маълумотлар Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC), хориж ва республика олимларининг илмий ишлари ҳамда интернет ресурсларидан олинди. Тадқиқот жараёнида назарий методологик, тизимлаштириш тамойиллари, статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш асосида иқтисодий жараёнлар тенденцияларини аниқлаш ва монографик тадқиқот усуллари билан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Бугунги кунда Ўзбекистонда пандемиядан кейинги даврда туризмни тиклаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва пировардида туризмни иқтисодиётнинг локомотив тармоқларидан бирига айлантириш долзарб вазифалардан бир.

Ўзбекистон туризмнинг турли турларини ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданиятни ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, 2016-2019 йилларда мамлакатимизда ту-

ризмни ривожлантириш кўрсаткичлари барқарор равишда ортиб борди (1-расм). 2016-2019 йилларда мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 3,2 бараварга ошди ва 6,7 миллион кишини ташкил этди. 2020 йилда вазиятни яхшилаш бўйича кўрилган молиявий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларга қарамай, мамлакатга 1,3 миллион турист ташриф буюрди, яъни ташрифлар сони 5 баробар камайди. 2021 йил туризмнинг тикланиш даври бўлди, йил давомида Ўзбекистонга 1,9 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Мамлакатга келган сайёҳлар сони

ўтган йилга нисбатан 2,7 баробар ошиб, 5,8 миллион кишини ташкил этганига қарамай, 2022 йилда 2019 йилдаги кўрсаткичга эришилмади [10]. 2020 йилда ташқи чегараларнинг ёпилиши чет эллик сайёҳлар келишини бутунлай тўхтатиб қўйди. Бундан ташқари мамлакат бўйлаб карантин чекловлари жорий этилиши ички туризмни ҳам деярли тўхтатди. Натижада мамлакатимизда бевосита туризм хизматларининг экспортидан олинган даромаднинг 2019 йилга нисбатан 4 баробардан кўпроқ қисқаришига олиб келди.



1-расм. Ўзбекистонга хориждан келган туристлар сони, млн. киши [10]

Жаҳон банки ҳисоб-китобига кўра, туризмнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига билвосита ҳиссаси (мультипликатив таъсирни ҳисобга олганда) ўртача 4,3 фоизни ташкил қилади. 2020 йилда ташқи чегараларнинг ёпилиши чет эллик сайёҳлар келишини бутунлай тўхтатиб қўйди. Бундан ташқари мамлакат бўйлаб карантин чекловлари жорий этилиши ички туризмни ҳам деярли тўхтатди. Натижада мамлакатимизда бевосита туризм хизматларининг экспортидан олинган даромаднинг 2019 йилга нисбатан 4 баробардан кўпроқ қисқаришига олиб келди.

Мамлакат ҳукуматининг туризмни тиклаш ва уни жонлантиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари қаторига зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида урғу берилишини киритишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми йўналишидаги жозибасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 5611-сонли фармонига кўра, 2017 йилнинг 5 январь кунидан Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси ва анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хориж фуқароларига 2 ойгача бўлган муддат билан берилувчи Pilgrim visa жорий этилди. Шу билан бирга, зиёрат туризми объектлари бўйича маълумотлар пакети шаклланди, туристларнинг келаётган мамлака-

ти, маданияти, урф-одатлари, диний қадриятлари кабилар эътиборга олинган ҳолда тур пакетлар таснифланмаганлиги, туристларга ёрдамчи бўладиган объектлар хариталари тайёрланмаганлиги, зиёрат туризми инфратузилмасининг етарли даражада шаклланди ва зиёрат туризмни ташкил этишда инновацион омиллардан фойдаланиш механизми илмий асосланмаганлигини таъкидлаш зарур.

Зиёрат туризмни ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш муҳим. 2018-2019 йилларда мамлакатимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва Исроил давлатлари фуқаролари учун визасиз режим ва 39 мамлакатдан келадиган сайёҳларга соддалаштирилган виза тартиби жорий қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 86 та мамлакат фуқароларига кириш визаларининг соддалаштирилган тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Шу билан бирга, туризм соҳасидаги мутахассислар томонидан диний туризм, зиёрат туризми тушунчалари, уларнинг таркиби бўйича яқдиллик мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, диний туризм ўзи яшаш ҳудудидан ташқарида жойлашган муқаддас жойлар ва диний марказларга саёҳат қилувчи туристлар эҳтиёжини қондириш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият туридир [11].

Унинг таркибига зиёрат туризми, диний экскурсия туризми ва диний илмий туризм киритилади. Бунга боғлиқ ҳолда ўз яшаш ҳудудидан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга, турли хил диний марказлар ва муқаддас жойларни кўриш, маълум ибодат талабларини бажариш, динни, диний манбаларни ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчи шахслар диний мақсад билан саёҳат қилувчи турист деб аталади. Зиёрат кишиларнинг муқаддас жойларга ташриф буюриши ва у ерларда маълум амалларни амалга оширишдан иборат, зиёрат туризми эса зиёрат қилиш учун саёҳат қилувчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият туридир.

Диний экскурсия туризми диний марказларга саёҳат қилишни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидаларни, музейларни кўриши, диний тадбирларда қатнашиши мумкин. Ушбу турдаги туризм илмий туризм билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Олимлар мавжуд диний марказларга, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатлар ва минтақаларга ташриф буюриб, диний мерос – қўлёзмалар, диний меъморчилик объектларини ўрганадилар. Қатор муаллифларнинг фикрига кўра, мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман, бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди [12].

Туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номлашиши устида фикрлар билдирганликларини таъкидлаш лозим. Зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм каби таклиф этилган атамаларнинг муаммоли жиҳатлари бўлганлиги сабабли баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган [13].

Ислом туризм маркази ислом туризмига шундай таъриф берган: саёҳат давомида ислом қоидаларига амал қилинган ҳолда амалга оши-

рилган ҳар қандай ҳодиса, учрашув, зиёрат ислом туризми деб аталади. Шунингдек, ушбу марказнинг таърифига кўра, ислом туризми йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

- турли йўналишларда саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- мусулмон мамлакатларига саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- ислом тамойилларига амал қилган ҳолда саёҳат қилиш;
- ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмон бўлмаганлар [14].

Мамлакатимизда зиёрат туризмининг санаб ўтилган барча йўналишларини ривожлантириш учун имконият мавжуд. Шу билан бирга, зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш мамлакатимизда туризм секторининг иқтисодий-ижтимоий ва инновацион салоҳиятини кенгайтириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, зиёрат туризми янада ривожланишини таъминлаш имкониятини беради. Туристтик кластер ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган, фаолияти бевосита ёки билвосита туризм билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари, давлат муассасалари, жамоатчилик ташкилотларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва таъсирининг асосий мақсади жойлашган ҳудуднинг инновация салоҳиятидан фойдаланган ва уни ривожлантирган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий адабиётларда туристик кластернинг моҳияти бўйича қуйидаги фикрларни кўриш мумкин:

- туристик кластер туристик корхоналар, асосий ва қўшимча хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг туристик маҳсулотни яратиш юзасидан ишлаб чиқариш, технологик ва ахборот алмашинуви бўйича ўзаро муносабатларда фаолият юритувчи тизимидир;

– туристик кластер туризм фаолияти билан шуғулланувчи компания ва муассасаларнинг географик ҳудудда тўпланишидир. Бу компания ва муассасалар таркибига таъминотчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат муассасалари, университетлар киради;

- туристик кластер бевосита туризм секторига қарашли муассасалардан ташқари қўшимча ёрдамчи муассасалар, транспорт инфратузилмаси, таълим ва касбий тайёрлаш тизимлари, консалтинг ва бошқа хизматларни кўрсатувчи тузилмаларни ўз ичига олувчи ҳудуддир.

Демак, туристик кластерларга аниқ ҳудудий чегарага эгаллиги, рақобатбардош туристик маҳсулот ишлаб чиқишга ихтисослашганлиги,

кластер қатнашчилари ўртасида турли хил ўзаро таъсирнинг мавжудлиги, қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги каби хусусиятлар хосдир. Шу билан бирга, кластерларнинг тузилма сифатида инновационлик хусусиятлари ҳамда минтақанинг иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ролига алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Туристтик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад минтақанинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс ва инновация салоҳиятидан фойдаланган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотлар ишлаб чиқишдан иборат. Минтақаларнинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулайлик туғдиради. Натижада улар учун ахборот алмашинуви ва янгиликларни жорий этиш, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ишларини енгилаштириш, туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Мамлакатимизда зиёрат туризмига ихтисослашган кластерларни Самарқанд (Имом Бухорий мажмуаси), Бухоро (Етти пир зиёратгоҳлари) ва Тошкент (Ҳазрати Имом мажмуаси)да шакллантириш имкониятлари мавжуд. Бунда кластерларни шакллантиришнинг стратегик режасини тузиш, минтақани иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бошқаришнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш, дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, инновацион ривожланиш тизимларини жорий этиш; кичик ва ўрта корхоналарни субсидиялаш; қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантириш зарур. Юқоридаги механизмларнинг амалга оширилиши зиёрат туризми кластерининг истиқболли ривожлани-

ши ва самарали фаолиятига туртки беради. Шунингдек, туризм кластерининг самарали ишлаши сифатли хизматларни тақдим этиш зарурлигини, хизматларнинг потенциал истеъмолчиларига етиб боришини таъминлайдиган ижобий ахборот муҳитини таъминлайди.

Бундан ташқари дам олувчилар ва меҳмонларни қўшимча равишда жалб қилиш учун турли хил фестиваллар, форумлар, тадбирлар, конференцияларни мунтазам равишда ўтказиш ва ташкил этиш керак.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги муаммолар ҳал этилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилиши умумий маънода мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва туристлар оқимини сезиларли даражада оширишга туртки беради. Зиёрат туризми учун диний қадамжоларнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳларни жалб қилиш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши, қулай виза тартиби, аэропорт, меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун шарт-шароит бўлиши керак.

Зиёрат туризминини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда зиёрат туризми кластерларини шакллантириш муҳим бўлиб, иқтисодий-ижтимоий ва инновацион салоҳиятини кенгайтириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, зиёрат туризми янада ривожланишини таъминлаш имкониятини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNWTO Tourism Recovery Tracker. Мурожаат санаси: 6 февраль 2022 й. UNWTO: <https://www.unwto.org/unwto-tourism-recovery-tracker>.
2. *Economic Impact 2022: Global trends.* World Travel&Tourism Council. P. 5-7.
3. Porter M.E. *Clusters and the New Economics of Competition.* // Harvard Business Review. November-December. 1988. P. 78.
4. Rosenfeld S. "Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development", *European Planning Studies*, Vol. 5, N ° 1, 1997, p. 13.
5. Чотчаева Ф.А. Кластеризация туризма как предпосылка роста инвестиционной привлекательности регион. // *TERRA ECONOMICUS* (Экономический вестник Ростовского государственного университета). Т. 7. 2009, № 3. С. 177.
6. Пелевина Н.А. Есть Чарын и Кольсай, а туристы скучают. // *Казахстанская правда*, 2013. 28.10. № 292-293. С. 5.
7. Александрова А.Ю. Роль туризма в развитии национальной экономики. // *Вестник НАН РК*. 2014. № 4. С. 111.
8. Ferreira J. & Estevas C. "Regional competitiveness of a tourism cluster: A conceptual model proposal", *Encontros científicos-Tourism & management studies*, 2009, p. 344.
9. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масалалари. // "Иқтисодий ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 1-сон, январь-февраль, 2019 йил. www.iqtisodiyot.uz
10. Ўзбекистонда туризм: пандемиядан олдин ва кейин. Получено 7 февраль 2023 г., из [UzAnalytics: https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/8193/](https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/8193/).
11. Христов Т. Учебное пособие. – М.: Издательский центр "Академия", 2005. – 288 с.
12. Hassib R. *Islamic Tourism and Sustainable Development: From Utopia to Reality.* // *International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage*: Vol. 8, 13. 2020.
13. Холхўжаев С. Зиёрат туризми, усломий туризм, диний туризм, шаърий туризм ва ҳалол туризм? Қай бир атама тўғри? 2020. <https://azon.uz/content/views/ziyorat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>.
14. Kessler K. *Conceptualizing Mosque Tourism: A central feature of Islamic and Religious.* *International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage*: Vol. 3., Iss. 2, Article 2. 2011.